Инкилоб даврида энг кўп мавзуи бахс бўлгон масалалардан бири, шубхасиз, тўй ва таъзия исрофларидир. 6-7 йил ичида ўзбек матбуоти, айникса, Самаркандда чиккан газеталар тўй, таъзия исрофотининг ислохи учун кўп нарса ёздилар ва бу тўгридаги фикр-мулохазаларини хукуматга такдим этдилар. Бир неча маротаба хукумат хам буларнинг фарёдини эшитиб, халк орасидаги бундай исрофликларга карши чора кўрди. Яхши карорлар чикарди. Лекин Самаркандда бу хакда кўрилган тадбирлар кўп вакт ўтмай масъул ишчиларимизнинг парвосизлиги билан натижасиз колди. Яна тўй ва аза исрофлари бурунгусидек давом эта бошлади.

Сўнгги бир-икки йилда юртимизнинг икгисодий ишлари бир мунча йўлга кўйилиши билан бойнамоларимиз яна жонлана бошладилар. Шунинг билан баробар аввалги урф-одатлар, исрофчиликлар яна жорий бўла бошлади. Айникса, сўнг чогларда тўйларда одамларга тўн кийгизиш, канд ва чой инъом этиш, катта-катта нонлар, турлик ши-раворлар улаштириш одати яна ишга оширидди.

Никох тўйларидаги «тутуз» рўмолча, кашидалар, таъзия кунларида кабр устида халкка пул ва йиртиш бериш, уч, етти, йигирма, кирк килишлар яна бурунги холига кайтди. Камбагал халкимиз у расму русум ва урфу одатларнинг ижроси билан яна эзила бошлади. Бундай исрофчиликлар орасида яна бог сотиш, ховли гаров кўйиш ва кекирдаккача карзга ботишлар кўрина бошлади.

Бунинг учун халкни айблаб бўлмайди. Чунки хали халк нодон. Биламиз, халкнинг ота-бобосидан колгон урфу одатлар асири бўлиши табиийдир. Бизда таклид, обрўй, номус ва газзоти нафс деган нарсалар хам бор. Мана шу сифатлар авом халкни хар балога учратадур. «Фалонча тўйда ундай килибди, мен бундан камми» ёки «урфу расмни риоя кил-масам, мени дўсту душманларим уят киладурлар», деб халкимиз яна аввалги исрофчиликларни жорий этишга ўзини мажбур биладур. Шунинг билан ўзини хар кандай тахликага соладур ва икки кунда ўзининг бору йўгидан ажрачадур.

Халкни ўз холида кўя берсангиз, у ўзининг нафу зарарини ўйламай, хар бир тўгри келган ишни кила берадир. Ўлгунигача фойдасиз урфу одатларнинг асоратидан чика олмайдур, лекин халкни ўз холига кўйиш тузук эмас. Масъул ишчиларимиз ва ёшларимизнинг хар бир тўгрида халкка йўлбошчи ва таъминотчи бўлиб туришлари керакдир. Халкни тўгри йўлга олиб бориш ва уни хар кандай зарарлик харакатлардан саклаш ана шуларнинг вазифасидир. Лекин эсизким, бизнинг масъул ишчиларимиз, маорифчиларимиз ва ёшларимиз бу мухим вазифаларини хам бажара олгонлари йўк.

Хатто, улардан баъзиларининг шундай эски расму одатларга риоя килгонликлари хам кўриладир. Мана бу иш уларнинг шаънига ярашмайтургон бир сифатдир. Биз шунинг билан халкимизнинг йўлбошчиси бўлгон масъул ишчиларга яна бир мартаба юзимизни ўгириб айтамизким, ўртоклар, ишчи-дехкон оммаси сизга ишонган ва сизни канча умидлар билан иш бошига кўйгондир. Шунинг учун сиз хам ўз бўйнингиздаги вазифаларингизни ўтангиз. Факир халкни зарарлик урф-одатлар ва исрофчиликлар чангалидан кутказиш учун бор кучингизни сарф этиб, бу тўгрида жидций чоралар кўрингиз.

«Зарафшон» газетаси, 1924 йил, 24 март